МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ВА МИРЗАЧЎЛ ЕРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИДАН

(XX асрнинг 50-70-йиллари мисолида)

О.К.Комилов, З.О.Маҳмудова

Мақолада совет ҳукуматининг Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш ва марказга пахта етиштириб беришни кенгайтириш мақсадида Марказий Фарғона ва Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштириш йўлидаги ҳаракати архив манбалари ва илмий адабиётлар асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *пахта яккаҳокимлиги, Марказий Фарғона, Мирзачўл, қўриқ ерлар, ўзлаштириш, суғориш, қишлоқ хўжалиги.*

В статье на основе архивных материалов и научной литературы исследуется деятельность Советского правительства по освоению целинных земель Центральной Ферганы и Голодной степи в целях дальнейшего развития хлопководства и ежегодного увеличения поставок хлопка-сырца Центру.

Ключевые слова: *монокультура хлопка, Центральная Фергана, Голодная степь, целинные земли, освоение, орошение, сельское хозяйство.*

On the basis of archive materials and scientific literature this article informs the readers about the questions dealing with the measures taken by the former Soviet government in the field of development of the virgin lands in Central Fergana and the Mirzachul valley of Uzbekistan with the purpose of further development of cotton growing area aimed at further increasing the amount of the supply of raw materials of cotton annually to the centre.

Key words: *cotton monopoly, Central Fergana, Mirzachul, virgin lands, reclamation, irrigation, agriculture.*

Совет ҳукумати Ўзбекистонда пахта етиштиришни янада тараққий эттириш ва ҳосилдорликни орттириш, янги шаҳар ва туманлар барпо этиш мақсадларида қўриқ, бўз ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бундай саъй-ҳаракатлар эса ўз навбатида пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг янада авж олишига олиб келди. Биринчи Президентимиз И.Каримов бу масалага тегишлича баҳо берди: “Пахта яккаҳокимлиги республика иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолишига олиб келди. Натижада Ўзбекистон энг оддий саноат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжининг ярмини ҳам қондиришга қодир эмас. Етиштирилган пахтанинг атиги 9 фоизи республикада қайта ишланади” [1. 302].

Марказ ҳукумати янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг ўрнида пахта майдонлари барпо этишга астойдил ҳаракат қилди. Янги ерлардан самарали фойдаланиш ва суғорма деҳқончиликни шакллантириш вазифалари КПСС XIX съездининг СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951-1955 йиллар учун қабул қилган директиваларида белгилаб берилди [2.25]. Съезд резолюциясида ирригация иншоотларини қуриш ва суғориладиган ерларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилди. Жумладан, “... Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида, Марказий Фарғона, Кубань-Егорлик тизими, Ўртатўқай сув омбори ва Катта Чу канали районларида суғориш системалари қуриш ишлари давом эттирилсин” [3.635].

Юқоридаги вазифалар ва СССР Министрлар Советининг қарорларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон КП МҚ ҳамда республика ҳукумати томонидан 1952 йил 16 сентябрда кенгайтирилган қарор қабул қилинган ва унда Марказий Фарғона ерларининг биринчи ва иккинчи навбатини ўзлаштириш ҳамда суғориш бўйича амалий вазифалар белгилаб берилди [2.26]. Қарорда Марказий Фарғонадаги чўл ерларни 1953 йилдан 1958 йилга қадар 36 000 *га* ҳажмида ўзлаштирилиши қайд этилди.

1952 йил 16 ноябрдаги Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети қарорида асосан Марказий Фарғонанинг 65 000 *га* янги ва қўриқ ерларни суғориш ишлари режаси кўриб чиқилди [4.31]. Хусусан, Ёзёвон ва Қизил Тигин чўлларида - 30000 *га*; Улуғнор канали тизими бўйича - 6 000 *га*; Охунбобоев номли канал тизими бўйича - 14 000 *га;* Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги 15000 *га* майдонни эгаллаган қўриқ ва қаровсиз ётган ерлар.

Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш жараёни амалда 1953 йилдан бошланди. Худди шу даврдан бошлаб “Ферганаводстрой” қурилиш трести ташкил этилди ва унинг жамоаси ўзлаштириш ишларида самарали меҳнат қилдилар. 1953-1956 йиллар мобайнида Марказий Фарғона ерларида капитал қурилиш ишларига жами 192459 минг сўм маблағ сарф қилинди. Капитал қурилиш ишларининг аксариятига маблағлар жамоа хўжаликларнинг бўлинмас жамғармасидан ажратилди.

Ўзлаштириш ишларига ёшлар ҳам жалб этилди ва бу борада мурожаатнома қабул қилинди. Чунки фақат 1954 – 1958 йилларда Ўзбекистон ҳудудида 600 минг *га* ер ўзлаштирилиши керак эди. Мурожаатномага жавобан 1954 йилда Марказий Фарғона қўриқ ерларини ўзлаштириш учун 1700 та ёшлар келдилар [5.35].

СССР Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг 1954 йил 9 февралидаги “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида” [6.3] ги қарорида Фарғона водийсида 142 минг *га* майдонни, шу жумладан 116 минг *га* майдонни Марказий Фарғонада ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилди.

1953 йилдан 1957 йилнинг 1 июлига қадар “Ферганаводстрой” трести Марказий Фарғона массивларини суғориш ва қуритиш мақсадида сув хўжалиги қурилиши соҳасида катта ишларни амалга оширди. Трест ташкил этилганидан бошлаб, қурилиш ташкилотлари кучи билан Марказий Фарғонада 285 млн. сўмдан ортиқроқ, шу жумладан, жамоа хўжаликларнинг бўлинмас жамғармаси ҳисобидан 185 млн. сўмдан ортиқроқ, давлат бюджети ҳисобидан трестни жиҳозлаш учун 65 млн сўм, бошқа ташкилотлар билан тўғридан - тўғри шартнома тузиш орқали 35 млн. сўмдан ортиқроқ ҳажмдаги ишларни бажарди [6.5].

Марказий Фарғонада суғориш ва ўзлаштириш бўйича барча ишларнинг аниқланган қиймати 393,8 млн. сўм, жумладан, 162,7 млн. сўм сув хўжалиги қурилишига, ундан 24 млн. сўм трестни таъминлашга, қишлоқ хўжалиги қурилишига 158,1 млн. сўм ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши билан боғлиқ қурилишга 78,9 млн. сўм ажратилди [7.6].

Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштирилиб бориши натижасида пахтачилик соҳаси ҳам тараққий этди. Хусусан, Наманган вилоятида ушбу даврда ўзлаштирилган жамоа хўжаликлар сони 48 тани ташкил қилди. Вилоятдаги янги ўзлаштириладиган ерлар Дамкўл, Оққум, Момохон, Аччиқ кўл, Найман ва Бўз массивларида жойлашган [6, 4]. Ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган жамоа хўжаликларнинг бир *га* еридан 8-10 ц. гача пахта ҳосили олинди. Задарё (Мингбулоқ) туманининг “Гигант” жамоа хўжалигида дастлабки ўзлаштирилган даврларданоқ *га* дан 18 - 20 ц. пахта ҳосили олинди [8.3]. Фарғона вилоятининг Марказий Фарғона қисмидаги Сўх-Исфара ва Ғарбий

Ёзёвон массивларида жойлашган Киров районидаги “Искра” ва “Москва”, Охунбобоев районидаги “Ғалаба” ва “1 май” жамоа хўжаликлари кўчма бригадаларининг янги ерларни ўзлаштириш борасидаги ишлари самарали бўлиб, бу ерлар ўзлаштирилганидан кейинги биринчи йил – 1964 йилда ҳар *га* ердан 20 ц. дан, 1965 йилда – 26,3 ц. ва 1972 йилда 47 ц.дан ҳосил олинди [2.37].

1955 йил бошида Мирзачўлнинг барча туманларида 23,916 *га* (ундан 9,556 *га* янги) ерни экиш учун тайёрлаш имконини берадиган икки ойлик ирригация-мелиорация ишлари ўтказилди. Тозалашда икки смена ишловчи экскаваторлардан фойдаланилди [9.181].

1956 йилдан Мирзачўлдаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёни бошланди. Совет ҳукумати томонидан республикадаги янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирлари ҳамда суғориш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир кўплаб қарорлар, фармойишлар чиқарилди. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети 1956 йил 6 августда “Пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” қарор [10,193] қабул қилди. Унга кўра, Мирзачўлда сув хўжалиги қурилиши ишларини бажаришни бошқариш ва ЎзССР ҳудудида Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда иштирок этаётган турли вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ЎзССР Министрлар Совети ҳузурида “Главголодностепстрой” Бош бошқармаси ташкил қилинди.

КПСС МҚ ҳамда СССР Министрлар Советининг юқоридаги қарори ҳамда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг 1956 йил 15 августидаги қарорига кўра [10. 476] ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги “Голодностепстрой” – Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича Бош бошқарма зиммасига 1956-1962 йилларда 200 минг *га* ер майдондаги Мирзачўл қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш учун сув хўжалиги қурилишини амалга ошириш, бу ерларда 1956-1960 йиллар давомида жами 135000 т. дан кам бўлмаган пахта хом ашёсини етиштириш; ЎзССР Совхозлар вазирлиги зиммасига Мирзачўл ерларининг қайтадан суғориладиган ерларида 23 та давлат хўжалигини ташкил этиш ва уларда зарур қурилишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Қарорда 1962 йилга келиб Мирзачўлда 300 минг *га* қўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик давлат хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди [11.541].

1956 йилга келганда ҳамма суғориладиган ерлар майдони деярли 206 минг *га* бўлса, 1956-1975 йилларда 300 минг *га* дан ортиқ ер ўзлаштирилди, яъни Мирзачўлда жами 500 минг *га* дан кўпроқ ер экин оборотига киритилди [12.223].

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришнинг биринчи босқичида (1956-1961), асосан, магистрал каналлари, коллектор-дренажлар ҳамда йирик сув хўжалиги объектлари қуришга, шунингдек, бинокорлик материаллари саноат базаларини барпо этишга катта эътибор қаратилди. Иккинчи босқичда, яъни 1961 йилдан қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, ирригация-мелиорация ҳолатида тайёрланди ва пахтачиликка ихтисослашган давлат хўжаликлари барпо этилди.

1958 йил 21 апрелда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети «Марказий Фарғонадаги янги ва қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилди [13.95]. Қарорда 1957 йил режаси бўйича 12,6 минг *га* майдон ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ва “Ферганаводстрой” томонидан ирригацион-мелиоратив жиҳатдан тайёрланиши кераклиги, бунинг ўрнига 4,6 минг *га* тайёрлангани, шунингдек, илгари тайёрланган ерларда қатор камчиликлар мавжудлиги, майда суғориш ва қуритиш тармоқлари учун гидроиншоотлар қуриш ишлари охирига етказилмагани қайд этилди.

1959 йил 3 августда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети “1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада қўриқ ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди [14.48]. Ушбу қарор асосида Марказий Фарғона ҳудудларини сув билан таъминлашни янада кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан: “Қишлоқ хўжалиги оборотига 36 минг *га* дан ортиқроқ бўз ва қаровсиз ётган ташландиқ ерлар киритилди, 250 км дан ортиқроқ автомобиль йўллари қурилди, 22 та жамоа хўжалиги посёлкалари барпо қилинди” [15.24].

1961-1965 йилларда Марказий Фарғонада жами 122,2 минг *га* ер қишлоқ хўжалиги жиҳатидан ўзлаштирилди ва ирригация-мелиорация ҳолатида тайёрланди. Бу аввалги йилларга нисбатан анча юқори кўрсаткични ташкил қилди [16.237].

“Ферганаводстрой”, “Андижанводстрой”, “Наманганводстрой” трестлари ва вилоятларнинг суғориш бошқармалари 20 йил (1953-1973) мобайнида, яъни янги ерларни ўзлаштириш бошлангандан эътиборан катта ҳажмда ер қазиш, бетон ва темир-бетон ишларини амалга оширдилар. Жумладан, 20 йил мобайнида Фарғона водийсининг уч вилоятида жами 1634039 м³ ҳажмида иш бажарилди, унинг 650526 м³ Фарғона вилоятига,

833821 м³ Андижон вилоятига, 149692 м³ Наманган вилоятига тўғри келди [2.49].

Ўнинчи беш йиллик (1976-1980)да Мирзачўлда пахта ҳосилини кўпайтириш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошчилигидаги пахтачилик бригадаси ташаббус билан чиқди. Бригада 1976 йилда 220 *га* пахта майдонининг ҳар *га* дан 60 ц.дан ҳосил етказиш мажбуриятини олди ва уни муваффақият билан бажарди [12.226].

Республика бўйича қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун сарфланган капитал маблағлар камдан-кам ҳолатларда ўзини оқлади. “Чунончи, Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштиришнинг биринчи навбати 16 йилдан сўнг, яъни 1972 йилга келиб ўзини оқлади, холос. Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришга кетган сарф-харажатлар 80-йилларнинг ўрталарига келиб ҳам ўзини оқламади ёки қўшимча маблағ сарфлашга олиб келди. Бунинг асосий сабабларидан бири режани ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам бажаришга йўл қўйилиб, кўпинча мўлжалланган иш ҳажми тўлиқ амалга оширилмади. Натижада, 1986 йилга келиб 752 минг *га* ер ўрта ва ўта шўрланди, қарийб ярим млн. *га* ерда сув танқислиги вужудга келди” [17.90].

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Фарғона ва Мирзачўл қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши республикада пахтачилик соҳасининг янада жонланишига туртки берди. Ўзлаштириш ишлари ўз навбатида урбанизация жараёнларига ҳам таъсир кўрсатди. Янги ўзлаштирилган ерларда пахтачиликка ихтисослашган давлат хўжаликлари, шаҳар ва туманлар ташкил қилинди. Давлат хўжаликларининг ташкил бўлиши натижасида марказга пахта етказиб бериш йилдан йилга ортиб борди. Бироқ, ачинарли томони шундаки, пахта яккаҳокимлиги аввалги даврларга қараганда ҳам кучайиб кетди. Мазкур ҳудудлардаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмигача давом этди. Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласида талайгина муаммолар ҳам етилди. Ҳудудлардаги қўриқ ва бўз ерларнинг илмий асосланмаган тарзда ўзлаштирилиши, худди шу тарзда пахта майдонларининг суғорилиши, сув захираларидан оқилона фойдаланилмаслиги оқибатида кўплаб жиддий муаммолар келиб чиқди.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011. - 439 б.

2.Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Т.: Ўзбекистон, 1974.-126 б.

3.КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. III қисм. -Тошкент: Ўздавнашр, 1954.- 739 б.

4.Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 608-жамғарма, 1-рўйхат, 932-йиғма жилд.

5.Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан.номз. ... дис.- Андижон, 1994.-147 б.

6.Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-йиғма жилд.

7. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд.

8. ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд.

9. Раззаков А.А. История развития мелиорации орошаемых земель Голодной степи (1917-1967 гг.): Дис. … канд.истор.наук.-Т., 1971.- 277 с.

10.ФВДА, 1124-жамғарма, 7-рўйхат, 713-йиғма жилд.

11.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2000.- 688 б.

12.Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Т.: Фан, 1984.- 285 б.

13.ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд.

14.НВДА, 317-жамғарма, 1-рўйхат, 1421-йиғма жилд.

15.ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 59-йиғма жилд.

16.Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 1595-йиғма жилд.

17.Абдуллаев А.Н. Пахта яккаҳокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917-1991).-Т.: Истиқлол, 2006.-135 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 10 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Э.Юсупов)